



Истанбулда бошланган еттинчи ҳалол дунё саммити чоғида Туркия вице-президенти Фуат Октай глобал ҳалол иқтисодиёт хажмига янги баҳо эълон килди.

Саммит иштирокчилари билан суҳбатлашган Октай сўзларига кўра, дунё иқтисодиётининг шариат қонунларига мос келадиган хажми 7 трлн долларга етди, дея хабар бермоқда IslamNews сайти Daily Sabah га таяниб.

Саммитда 60 дан ортиқ мамлакатдан 20 га яқин нуфузли маърузачилар, шунингдек, 400 мамлакатдан 35 компания вакиллари, жумладан, озик-овқат саноати корхоналари, дори-дармон, косметика, маиший кимё, тўқимачилик ва бошқалар ишлаб чиқарувчилари иштирок этмокда.

Туркия вице-Президенти ўз маърузасида қайд этишича, бундай маҳсулотларнинг сифати билан жалб қилинган ҳалол товарлар ва хизматларга номусулмонлар ҳам кизиқиш билдирмокда.

Оқтай саноати дастлаб Малайзия ва Индонезияда пайдо бўлса-да, ҳалол маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи йирик давлатлар Бразилия, Австралия, Франция, Германия ва Янги Зеландия эканлигини таъкидлади.